Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 13 апрель, № 71 (5745) Шанба

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан, 2013 йил 14-15 апрель кунлари расмий ташриф билан Россияда бўлади.

Ташриф доирасида давлат раҳбарлари икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қиладилар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга эга долзарб муаммолар юзасидан фикр алмашадилар.

Ташриф якунлари бўйича 2013 — 2017 йилларга мўлжалланган Иқтисодий ҳамкорлик дастурини, Сармояларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги битим ҳамда икки мамлакат Президентлари томонидан 2012 йил 4 июнь куни Тошкент шаҳрида имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида Стратегик шерикликни чуқурлаштириш тўғрисидаги декларацияда белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга оширишга қаратилган бошқа ҳужжатларни имзолаш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон — Россия:

ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон ва Россияни кўп йиллик тарихий ришталар боғлаб турадики, мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритганидан сўнг улар янгича мазмун-моҳият касб этди ҳамда равнақ топди. 1992 йил 20 март куни икки давлат ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилган эди. Ўтган йиллар мобайнида стратегик шериклик ва иттифоқчилик тамойилларига асосланган Ўзбекистон — Россия дўстона ҳамкорлигининг шаклланиши ҳамда ривожланиши катта йўлни босиб ўтди.

Бир-бирининг барқарор тараққиёти ва гуллаб-яшнашидан, шунингдек, минтақадаги ва халқаро майдондаги обрў-эътиборининг юксалиши ҳамда мустаҳкамланишидан ҳар икки мамлакат бирдек ва холисона манфаатдордир.

Халқаро ташкилотларда анъанавий ҳамда изчил равишда бир-бирининг манфаатларини қўллаб-қувватлаш яқин ва ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Ҳар икки мамлакат БМТ, ШҲТ, МДҲ ва бошқа тузилмалар доирасида яқин ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда чуқурлаштиришнинг тарафдоридир.

— Ўзбекистон биз учун минтақадаги энг устувор шериклардан бири ва бизнинг муносабатларимиз алоҳидадир, — дея баёнот берган эди Россия Президенти Владимир Путин ўзининг 2012 йил 4 июнь куни Тошкентга ташрифи чоғида. — Биз мамлакатнинг қандай имкониятларга эга эканлигини жуда яхши биламиз ва муносабатларимизни унинг салоҳиятига ҳамда халқларимиз ўртасидаги чуқур тарихий алоқаларга мувофиқ равишда қурамиз.

— Ўзбекистон — Россия ўртасидаги ўзаро алоқалар иттифоқчилик муносабатлари тамойилларига мувофиқ ривожланмоқда, — дея қайд этган эди Президент Ислом Каримов Россия Федерациясининг раҳбари билан учрашув чоғида. — Бугунги кунда Ўзбекистон ва Россия ўртасида ҳал қилиб бўлмайдиган муаммолар ёки бартараф этиб бўлмайдиган тўсиқлар йўқ, минтақавий ҳамда халқаро даражада кўп томонлама ҳамкорликнинг самарали механизмлари ишга солинган ва улар ҳаётга изчил татбиқ этилаётир. Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия доирасида фаол иш олиб борилаяпти.

Ҳозирги пайтда икки томонлама муносабатларнинг ўсувчанлик ҳолати олий ва юқори даражадаги мунтазам учрашувлар билан изоҳланади. Ҳукуматлараро ҳамда идоралараро алоқалар, ишбилармон доиралар вакилларининг анжуманлари анъана тусини олди, минтақаларо ҳамкорлик фаоллашмоқда, ижтимоий-сиёсий, илмий ва маданий йўналишлардаги ўзаро муносабатлар ҳам тобора ривожланмоқда. Томонлар узоқ муддатли манфаатларга асосланган кўп қирали манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга доимо тайёрдирлар.

Икки мамлакат раҳбарлари томонидан 1992 йил 30 май куни имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартнома, 2004 йил 16 июнда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида Стратегик шерикчилик тўғрисида Шартнома, 2005 йил 14 ноябрда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида Шартнома мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб турадиган асосий ҳужжатлар ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда).

ТАЪЛИМ ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ

Коллежларнинг таълим ва ишлаб чиқариш амалиётини уйғунлаштирган ҳолда фаолият юритиши амалда юксак самараларини бермоқда. Хусусан, Наманган шаҳридаги савдо ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежида олтита йўналиш бўйича кичик мутахассислар тайёрланади.

ИНТИЛИШ

Айни пайтда бу ерда 1345 нафар ўғил-қиз ҳисобчилик, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, тикувчи-дизайнер, ошпазлик, қандолатчилик сингари ҳунар сирларини пухта эгалламоқда.

— Биз ўргатаётган касбларнинг аксарияти ўқувчилар кўзи билан кўриб, қўли билан бажарадиган юмушлардан иборат бўлганлиги учун ҳар бир машғулотни амалиёт орқали мустаҳкамлаб боришни йўлга қўйганмиз, — дейди коллеж директори Дилдора Каримова. — Бунинг учун зарур дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозланган махсус устахона, мўъжаз ишлаб чиқариш цехларимиз мавжуд. Ўз йўналиши бўйича юксак малакага эга бўлган ўқитувчилар маҳсулот тайёрлаш ёки хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича ҳар бир ўқувчи билан якка тартибда иш олиб боришади.

Икки йил муқаддам мазкур коллеж қошида 20 та тикув дастгоҳи билан жиҳозланган “Нурли келажак, барҳаёт зиё” деб номланган шўъба корхонаси фаолияти йўлга қўйилган эди. Бугун ўқувчилар бу ерда назарий билимларни амалда мустаҳкамлаш баробарида, бирибиридан чиройли либослар тикишаяпти. Ошпазлик ва нон, қандолат ҳамда макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш гуруҳида таҳсил олаётган 110 нафар ўқувчининг асосий вақти ҳам шу ерда ўтади. Уларнинг устози Акрамжон Акбаров ва ишлаб чиқариш устаси Феруза Валиева раҳбарлигида тайёрланаётган хуштаъм таомлар, турли пишириқлар уста қандолатчиларникидан сира қолишмайди. Азиза Гафурова ҳамда Мўътабар Иномова шогирдлари билан машғулот олиб бораётган тикувчилик устахонасига давлат томонидан зарур материаллар ҳам ажратилган. Бўлажак чеварларнинг улардан фойдаланиб, турли дизайнда тикаётган либослари харидоргир. Ўтган йили амалиёт чоғида қобилиятини кўрсатган битирувчилардан 8 нафари ўқув йили тугагач, ушбу корхонага ишга қабул қилинди.

(Давоми 2-бетда).

Ҳуқуқий тажриба:

ИСЛОҲОТЛАР ОЧИҚЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Комил ишонч билан айтишимиз мумкинки, бугун мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жадал ўзгаришлари билан ажралиб турадиган янги босқичга кўтарилди. Яъни ислоҳотлар ва бунёдкорликлар натижасида эришган ютуқларимиз тобора кўпаймоқда.

КОНЦЕПЦИЯ: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Давлат томонидан халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилган чора-тадбирлар асосида жамиятда ободлик ҳамда юксак маънавият уйғун тарзда чуқур қарор топмоқда. Буларнинг барчасида янги замон тараққиёти ёрқин акс этаётир.

Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ана шундай муҳим қадамлардан бири Юртбошимиз Фармойиши асосида “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси нормаларини ҳуқуқий тажрибадан ўтказиш, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Маълумки, мазкур қонун лойиҳаси Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида ишлаб чиқилган.

Яқинда Самарқандда ҳуқуқий тажриба ўтказиш бўйича ишчи комиссиянинг мажлиси бўлиб ўтди. Тадбирда комиссия аъзолари — парламент қуйи палатаси депутатлари, вазирлик ҳамда идоралар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари ходимлари, ННТлар ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Мажлисда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Д. Тошмуҳамедова таъкидлаганидек, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган устувор йўналишлар босқичма-босқич рўёбга чиқарилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ФАХР

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига кенг йўл очилгани аҳоли бандлигининг ошиши ва даромадлари ўсишида муҳим омил бўлмоқда.

Тадбиркорлар банклар хизматидан мамнун

Ҳозирги кунда мамлакатимизда иш билан банд аҳолининг 75 фоиздан ортиғи айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани, тармоқнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса 54,6 фоизга етгани ана шундан далолат беради.

Дарҳақиқат, бугун кўплаб ривожланган давлатлар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларига дуч келаётган бир пайтда Ўзбекистон молия-банк тизими барқарор фаолият юритиб, республикамизни тараққиёт ва демократик ўзгаришлар сари фаол ҳаракатлантирувчи куч — ўзига тўқ ижтимоий қатламни шакллантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Хусусан, 2012 йилда Ўзбекистон банк тизимининг жами капитали 24,3 фоизга, сўнгги уч йилда эса икки баробарга кўпайди. Капиталнинг етарлилик даражаси эса 24 фоиздан ошдики, бу қабул қилинган умумий халқаро стандартлардан 3 баробар зиёддир. Айни чоғда унинг ликвидлиги 65 фоиздан (бу талаб этиладиган минимал даражадан 2 баробар ортиқ) ортгани ҳам эътиборга лойиқдир.

Шу билан бирга, 2010 йилда мамлакатимизда атиги 13 тижорат банки “ФитчРейтингс”, “Мудис”, “Стандард энд Пурс” каби нуфузли халқаро рейтинг агентликларининг ижобий рейтинг баҳосини олган бўлса, ҳозир уларнинг сони 28 тага етди. Тижорат банкларининг жойлардаги филиаллари ва минибанклари сони, кўрсатилаётган банк хизматлари турлари ҳам кенгайиб бораётгани аҳолига тезкор ва сифатли банк хизматлари кўрсатиш имконини бермоқда.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

2012 йилда республикамиз иқтисодиётига жалб этилган хорижий инвестицияларнинг

79 **фоиздан кўпроғини тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ташкил қилди.**

Мамлакатимизда янада қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, хорижий инвесторларга қўшимча имтиёз ва преференциялар бериш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида изчил амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида инвестициялар оқими тобора кўпайиб, соҳада ана шундай юқори кўрсаткичга эришилди.

Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

Р. Шредер номидаги Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти Қашқадарё вилояти филиали ташаббуси билан воҳанинг тупроқ-иқлим шароитига мослаштирилган, серҳосил навли дарахтлар ниҳоллари етиштириш учун 27 гектар боғ ва токзор ташкил этилди.

Эзгу ташаббус

— Бу ерда ҳар бир мевали дарахтнинг йигирмадан ортиқ сара тури парваришланади, — дейди филиал раҳбари Фахриддин Бозоров. — Яратилаётган боғ ва токзорларнинг сердаромадлилиги, энг аввало, экилаётган ниҳолнинг нави, ҳосилдорлиги ва чидамлилигига боғлиқ. Бу ерда илмий асосда етиштирилаётган кўчатлар ушбу талабларнинг барчасига жавоб беради.

А. МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Янги технология ўзлаштирилди

Бухоро шаҳридаги “Тола ипактекстиль” масъулияти чекланган жамиятида бўртма нақшли газлама ишлаб чиқариш технологияси ўзлаштирилди. Бунда Бельгиядан келтирилган замонавий тўқув дастгоҳлари қўл келди.

— Бизнес лойиҳани рўёбга чиқаришимизда банкдан олинган 650 миллион сўмлик кредитдан самарали фойдаландик, — дейди корхона мутасаддиларидан бири Миразиз Обидов. — Ҳозир бизда 15 нафар ишчи меҳнат қилаяпти. Диагонал йўлли, бўртма нақшли газламага келсак, у ўта пишиқ ва камёб мато ҳисобланади. Бундай газламадан тайёрланган кийим-кечаклар ташқи таъсирларга чидамлилиги билан ажралиб туради. Корхонамиз ойига 50 минг погонметр мато ишлаб чиқариш қувватига эга.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Истеъдод ва имконият

Урганч шаҳридаги Ўзбекистон Бадиий академиясига қарашли вилоят ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатининг 200 нафарга яқин ўқувчиси таҳсилни мукаммал реконструкция қилинган бинода давом эттираётир.

Чунончи, бунёдкорлик ишлари ҳамда таълим масканини зарур ўқув воситалари билан жиҳозлашга 3,5 миллиард сўм сарфланди. Ҳозир бу ерда истеъдодли ўқувчилар умумий фанлар билан бир қаторда, ўндан ортиқ санъат турлари бўйича пухта билим эгалламоқдалар.

О. РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Гиламлар жилоси

Паркент туманидаги “Қайс гилам тўқиш” МЧЖда анъанавий услубда тўқилаётган турли гиламларни қўлда яратилган мўъжизага менгзаш мумкин.

Негаки, бу ерда табиий хом ашё — қўй жуни кўркам ва сержило маҳсулотга айлангунча бир неча бор гиламдўзларнинг қўлидан ўтади.

Жамиятда ишлаб чиқариш касаначилик асосида йўлга қўйилган бўлиб, миллий гиламдўзлик сир-асрорини пухта эгаллаган 180 нафарга яқин хотин-қиз корхона буюртмаларини бажариб бераётир.

Гиламдўзлар сафи тобора кенгайиб бораверади. Чунки корхона вилоят ва пойтахтнинг 12 ҳудудида ўз филиалини очишга муваффақ бўлди. Яна бир муҳим жиҳати, Паркент гиламлари Европа бозорларига экспорт қилинаяпти.

Ғ. ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон — Россия:

ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давлатларимиз анъанавий равишда минтақада тинчлик ҳамда барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлаш, халқаро терроризм, экстремизм ва трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг бошқа кўринишлари, шунингдек, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши ва наркотрафикка қарши курашда саъй-ҳаракатларни бирлаштиришнинг тарафдорлари бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон ва Россия ўртасида савдо-иқтисодий алоқалар муваффақиятли ривож топаётир. Бугунги кунга қадар Россия Федерацияси Ўзбекистон Республикасининг энг йирик ташқи савдо шериги сифатидаги мавқеини барқарор сақлаб келмоқда. Шу ўринда 2012 йил якунларига кўра, мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 7,6 миллиард АҚШ долларини ташкил қилганини ҳам қайд этиш жоиздир.

Сармоявий соҳадаги ўзаро ҳамкорлик Россия — Ўзбекистон муносабатларида муҳим ўринни эгаллайди. Ёқилғи-энергетика мажмуида кенг кўламли қўшма лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш, биргаликда геологияқидирув ишларини олиб бориш, Ўзбекистон ҳудудидаги углеводород хом ашёси конларини ўзлаштириш ва уни манзилига етказиш билан боғлиқ ишлар ана шулар жумласидандир.

Ўтган йили Давлат инвестиция дастурини амалга ошириш доирасида республикамизга Россиянинг 789,4 миллион АҚШ доллари миқдоридаги тўғридан-тўғри сармоялари жалб қилинди. 2013 йилда ҳам капитал маблағларни киритиш ҳажми янада ортади, хусусан, “Лукойл” компанияси Ўзбекистонда иккита лойиҳани рўёбга чиқариш учун маҳсулот тақсимоти битими асосида қиймати 678,5 миллион АҚШ долларига тенг миқдорда сармоя киритишни режалаштирмоқда.

Ҳозирги пайтда республикамизда Россия капитали иштирокида ташкил этилган 866 та корхона фаолият юритаяпти. Уларнинг 721 таси қўшма корхона, 145 таси эса юз фоиз ташқи капитал асосида тузилган корхонадир. Бундан ташқари, Россиянинг 102 та фирма ва компаниясининг ваколатхоналари мамлакатимизда аккредитациядан ўтган. Ўз навбатида, Россия Федерацияси ҳудудида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирокида 489 та фирма барпо этилган. “Ўзавтосаноат” акциядорлик компаниясининг Россия компаниялари билан ҳамкорлиги “Chevrolet” ҳамда “Daewoo” бренди остидаги мамлакатимиз маҳсулотларини экспорт қилиш орқали амалга оширилаётир.

Ўзбекистон ва Россия ўртасида Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиясининг фаолияти икки томонлама амалий алоқалар тараққиётида муҳим ўрин тутади. Хусусан, мазкур комиссиянинг 2012 йил 13 декабрь куни Тошкентда бўлиб ўтган 14-мажлиси якунлари томонларнинг иқтисодий алоқаларни ҳар томонлама ривожлантиришга, савдо-иқтисодиёт, ёқилғи-энергетика, транспорт-коммуникация, илмий-техника соҳаларидаги истиқболли йўналишларни белгилаб олишга бўлган ўзаро манфаатдорлигини яна бир карра тасдиқлади.

Гуманитар ва маданий алоқалар ривожи икки томонлама муносабатларнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Бу борадаги ҳамкорликнинг асосини Маданият, фан ва техника, таълим, соғлиқни сақлаш, ахборот, спорт ва туризм соҳаларидаги ҳамкорлик тўғрисидаги Ҳукуматлараро битим ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан Россия Федерацияси Маданият вазирлиги ўртасида имзоланган Маданият соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битим ташкил этадики, улар йилдан-йилга янги амалий мазмун билан бойиб бормоқда.

Республикамизда Рус маданият маркази фаолият кўрсатаётир. У 19 та вилоят ва шаҳар жамоатчилик маданий-маърифий бирлашмаларини ўз атрофида бирлаштирган.

Ўзбекистонда рус тилида асосий таълим олиш ва мутахассислик бўйича ўқишни давом эттириш учун барча имконият яратилган. Юртимизда рус ва ўзбек тилларида таълим берадиган 800 дан ортиқ мактаблар фаолият кўрсатаётган бўлиб, мамлакатимизнинг деярли барча олий ўқув юртларида рус тилида таҳсил олинадиган факультетлар мавжуд.

Сўнгги йилларда таълим, соғлиқни сақлаш, илм-фан ва техника соҳаларидаги ўзаро манфаатли алоқалар ҳам муваффақиятли ривож топмоқда. Юртимизда Г. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси, М. Ломоносов номидаги Москва давлат университети ҳамда И. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг филиаллари очилган.

Шуни комил ишонч билан қайд этиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг жорий йил 14-15 апрель кунлари Россия Федерациясига бўлажак расмий ташрифи икки томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янада ривожланиши ҳамда мустаҳкамланишига янгича ёндашув ва туртки беради.

«Жаҳон» АА.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бундан ташқари, жорий йилнинг I чораги давомида Ўзбекистон банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 2012 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,4 баробар ошиб, 1,6 триллион сўмни ташкил этди. Айниқса, жами молиявий хизматлар таркибида бевосита банк хизматларининг улуши 87,1 фоизга етгани бу борада изчил амалга оширилаётган ишлар кўламининг нақадар кенглигини яққол тасдиқлаб турибди.

Тадбиркорлар банклар хизматидан мамнун

Ушбу жиҳатлар яқинда “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда банк тизимининг ўрни, тадбиркорларнинг банк тизимига ишончи ҳақида жамоатчилик фикри” мавзуида ўтказилган ижтимоий сўровда ҳам ўз тасдиғини топди.

Таъкидлаш керакки, мазкур ижтимоий сўровда мамлакатимизнинг қишлоқ ҳамда чекка жойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида фаолият кўрсатаётган ҳамюртларимиз фаол қатнашдилар. Респондентларни танлашда соҳанинг барча тоифаси — оилавий ва якка тартибдаги тадбиркорлар, кичик корхоналар ҳамда микрофирмалар, деҳқон ва фермер хўжаликлари қамраб олинди. Ҳатто бу жараёнга касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, тадбиркор аёллар ҳам жалб этилди.

Тадқиқотлар натижалари хусусий тадбиркорлар томонидан банкларнинг умумий фаолияти юқори баҳоланаётганини кўрсатди. Деярли барча иштирокчилар буни, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирларига қарамай, Ўзбекистон банк тизими ишончли ва барқарор ривожланаётгани, хорижий молиялаштириш манбаларига қарам эмаслиги, давлат қарзининг камлиги ва ташқаридан қарз олишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш каби хусусиятлари билан изоҳлагани диққатга сазовордир.

Респондентлар банклар фаолиятига баҳо берар экан, Халқ банки, “Агробанк”, “Микрокредитбанк”, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, “Асака” банки, “Қишлоқ қурилиш банк” ва “Ўзсаноатқурилишбанк” фаолиятидан, айниқса, кўпроқ мамнун эканликларини изҳор этган бўлса, сўровда қатнашган тадбиркорларнинг 97,4 фоизи ўзларига хизмат кўрсатаётган банкларда мижозлар учун яратилаётган қулайликлар, банклар таклиф этаётган хизмат турлари ва сифати, ходимларнинг хизмат кўрсатиш маданияти юксалиб бораётганини таъкидлаган.

Иштирокчиларнинг ҳаммаси, шунингдек, банклардаги ҳисобварақларини масофадан туриб бошқариш (банк-мижоз, интернет-банкинг, SMS-банкинг, мобиль-банкинг) хизматларидан фойдаланиш жуда қулай эканини айтган. Буни, аввало, тадбиркорларга маблағларни оператив бошқариш имконияти яратилаётгани, банкка доимий қатнашга ҳожат қолмагани билан изоҳлаган ҳолда, бундай замонавий ва қулай хизмат турларини мунтазам кенгайтириб бориш мақсадга мувофиқлигини қайд этиб ўтган.

Банкларнинг микромолиявий хизматларидан фойдаланиш даражасини аниқлаш мақсадида берилган саволлар эса деҳқон ва фермер хўжаликларига “Агробанк”, якка тартибдаги ва оилавий тадбиркорлар, микрофирма ва кичик корхоналар учун эса Халқ банки ва “Микрокредитбанк” филиалларининг хизматларидан фойдаланиш афзал эканини кўрсатди.

Респондентларнинг 96,4 фоизи тижорат банклари ажратаётган микрокредитлар жойларда, шу жумладан, чекка ва қишлоқ ҳудудларида тадбиркорлик учун зарур бошланғич сармояни шакллантиришда, хотин-қизлар ва ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этишда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлаган. Сабаби, микросармоялар хизмат кўрсатиш ва кичик ишлаб чиқаришни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни ташкил этишда катта мадад бўлаётир.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўладиган маблағни жалб қилишга доир саволга 96,1 фоиз иштирокчи микрокредитлардан фойдаланишни афзал кўришини айтган. Уларнинг фикрича, бу кредитни узоқ муддатга ва имтиёзли шартларда олиш имкониятлари яратилганлиги билан боғлиқ.

Сўров банкларнинг кредитлаш хизматлари кенгайиб бораётгани янги иш ўринлари яратилишида ва аҳолининг турмуш фаровонлиги юксалишида муҳим роль ўйнаётганлигини кўрсатдики, буни респондентларнинг 98 фоизи алоҳида эътироф этган.

Мамлакатимиз банклари томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес-лойиҳаларини молиялаштиришга ажратилаётган имтиёзли кредитлар ёшларга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишларига, қўшимча иш ўринлари яратилишига катта ҳисса қўшаётганини 92,4 фоиз иштирокчи таъкидлаган.

Респондентларнинг 97,9 фоизи банклар томонидан хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга ажратилаётган кредитлар эвазига замонавий талабларга мос сервис шохобчалари ташкил этилаётганини билдирган. Буни аҳолига юқори сифатда маиший хизмат кўрсатиш, янги иш ўринлари яратиш, бюджетга солиқ тушумларини кўпайтириш каби жиҳатлар билан изоҳлаган.

Тадқиқотлар тижорат банклари томонидан аёлларнинг бизнес-лойиҳалари изчил молиялаштирилаётгани мамлакатимиз хотин-қизларининг оила ва жамиятдаги ўрни мустаҳкамланишига хизмат қилаётганини кўрсатди. Респондентларнинг 97,9 фоизи бу, биринчи навбатда, қишлоқ ҳудудларида оилалар фаровонлигини оширишга ҳар томонлама кўмак бўлаётганини таъкидлаган.

Бугунги кунда тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига ажратилаётган микрокредитлар қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигида муҳим омил бўлаётгани сўровда алоҳида қайд этилган. Иштирокчиларнинг аксарияти (96,5 фоизи) бунинг натижасида қишлоқларда яшаётган минглаб одамлар шахсий томорқасида мевали дарахтлар кўчатлари ва ток экиб, кичик иссиқхоналар, паррандачилик ва асаларичилик хўжаликлари ташкил этаётгани ҳудудларда аҳолини иш билан таъминлаш ва оилалар турмушини янада обод этишда катта аҳамиятга эга эканини билдирган.

Қисқача айтганда, “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази сўрови натижалари Ўзбекистон банк тизимининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида олиб бораётган фаолиятига жамоатчилик юқори баҳо бераётганини кўрсатди. Бу замонавий ва қулай банк хизматларини кенг жорий этиш, соҳадаги фаолиятни янада самарали ташкил қилиш юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга. Зеро, халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг изчил қўллаб-қувватланиши мамлакатимизни янада жадал ривожлантиришга, Ўзбекистонда ҳар бир оила, ҳар бир фуқаро фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази материаллари асосида тайёрланди.

ТАДБИР

Бугунги кунда мамлакатимизда стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш сингари хизматлар замонавий тизимлар орқали амалга оширилмоқда.

Халқаро стандартларга мос

Бунда “Стандартлаштириш тўғрисида”ги, “Метрология тўғрисида”ги ҳамда “Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари муҳим дастуриламал бўлаётир.

Кеча пойтахтимизда “Ўзстандарт” агентлиги томонидан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ташкил этилган матбуот анжуманида мазкур қонунлар ижроси юзасидан бажарилаётган ишлар хусусида сўз юритилди.

Таъкидландики, юртимизда тадбиркорлар ва ишбилармонларга яратиб берилаётган қулай шарт-шароитлар нафақат уларнинг ташқи бозорларга чиқиш имкониятини кенгайтираяпти, балки жаҳон андозаларига мос фаолият кўрсатишига асос бўлаяпти. Зеро, маҳсулотларни жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган даражада ишлаб чиқариш ёки шу асосда хизмат кўрсатиш иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим омилларидан биридир. Айниқса, ҳозирги кунда дунё мамлакатларининг ўзаро маҳсулот алмашинуви даражаси юқори бўлган ва жаҳон бозорида рақобат кучайган бир шароитда бу муҳим аҳамиятга эга. Шу боис сўнгги йилларда агентлик томонидан маҳсулотлар сифати ва уларнинг рақобатбардошлигини ошириш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар кўлами тобора кенгайиб бормоқда.

Жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш, шунингдек, уларни халқаро меъёрларга уйғунлаштириш бўйича 5 миллиард сўмлик хизматлар кўрсатилгани ана шундан далолат беради. Ушбу йўналишдаги ишларни янада такомиллаштиришда эса Германия, Франция, Хитой, Буюк Британия, Чехия давлатлари, шунингдек, ИСО, МГС, ИЛАК, КООМЕТ каби халқаро ташкилотлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатилгани айни муддао бўлаётир.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 апрелдаги қарорига биноан, агентлик қошида Маҳсулотларни экспорт қилишга кўмаклашиш бюроси фаолияти йўлга қўйилгани ҳам ишбилармонларимизнинг дунё бозорига чиқишида қўл келаяпти. Буларнинг бари пировардида республикамизни жаҳон миқёсида танитишда, иқтисодиётимизни барқарор юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТАЪЛИМ ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2012 йилда касб-ҳунар коллежини 360 нафар ўқувчи битириб, мустақил ҳаётга йўлланма олди. Ҳозир уларнинг асосий қисми шаҳардаги маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларида билим ва кўникмаларини амалда намойиш этишаяпти. Кўпчилик битирувчилар ўз бизнесини йўлга қўйган. Масалан, озиқ-овқат маҳсулотлари мутахассислигини олган Ҳожиакбар Ҳошимов хусусий ошхона ташкил қилиш ҳаракатида. Унинг шу мақсадда ишлаб чиққан бизнес лойиҳаси “Микрокредитбанк” томонидан молиявий қўллаб-қувватланиб, ёш мутахассисга 4 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилаяпти.

Ўқув амалиётларини талаб даражасида олиб бориш имкониятини бераётган бу сингари шўъба корхоналар бугунги кунда вилоятдаги кўпчилик ўқув даргоҳларида мавжуд. Жумладан, улардаги 61 кичик корхонада кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарилаётган бўлса, ўқувчиларга қўшимча касб ўргатиш бўйича 19 та йўналишда ташкил этилган 719 та ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш шохобчасида битирувчилар ўзлари танлаган йўналиш бўйича амалий кўникмаларини мустаҳкамлаб боришаяпти.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жумладан, шу мақсадда юртимизда сўз ва ахборот эркинлиги, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти, амалга оширилаётган ислоҳотлар очиқлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорларга оид ахборотлар билан аҳолини кенг хабардор қилиб боришда оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ролини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилаяпти. Давлатимиз раҳбари томонидан қўллаб-қувватланган ва парламент аъзолари ташаббуси билан ўтказилаётган ҳуқуқий тажриба ушбу йўналишдаги ишларнинг мантиқий давомидир. Мазкур жараён нафақат миллий қонунчиликни такомиллаштиришга янгича ёндашув, балки истиқболдаги қонун ижодкорлиги фаолияти учун ўзига хос намуна бўлиб хизмат қилади.

Эслатиб ўтамиз, қонун нормаларининг ҳуқуқий тажрибаси 2013 йил давомида Бухоро ва Самарқанд вилоятлари давлат ҳокимияти органлари базасида ўтказилади. Ушбу вилоятлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ОАВ, фуқаролик жамияти институтлари, шунингдек, давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида ахборот олишдан манфаатдор бўлган жисмоний ва юридик шахслар унинг иштирокчилари ҳисобланади.

Ушбу ҳуқуқий тажрибани ўтказишдан мақсад қонун лойиҳаси меъёрларини амалий жиҳатдан такомиллаштиришдир. Умуман, бу аҳолининг ҳокимият ва бошқарув органлари билан янада очиқ мулоқот қилиши, фуқароларнинг тегишли муассасалар фаолияти, қабул қилинаётган, шу жумладан, ҳудудий миқёсдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида тезкор ва ишончли ахборотлардан бохабар бўлишини таъминлашга хизмат қилиши лозим. Экспертларнинг таъкидлашича, қонун нормалари мутасадди шахслар ва раҳбарларнинг қабул қилаётган қарорлари учун масъулиятини кучайтиришда муҳим омил саналади. Зеро, бу каби ҳужжатларнинг ишончлилиги, улар ижроси суръати ҳамда сифати нодавлат нотижорат ташкилотлари, журналистлар, аҳоли кенг қатламлари муҳокамаси учун мавзу бўлади. Ишчи комиссия аъзолари айтганидек, ўтказилаётган ҳуқуқий тажриба ҳар бир раҳбарни ҳозирги фаолияти ҳақида чуқур фикр юритишга ҳамда уни янада такомиллаштириш учун бор кучғайратини сафарбар этишга ундайди. Мазкур лойиҳани амалга оширишнинг яна бир ижобий жиҳати шундаки, бу фуқаролик жамиятини ривожлантириш, уларнинг турли соҳалардаги иштирокини фаоллаштиришга туртки беради.

Ҳуқуқий тажриба:

ИСЛОҲОТЛАР ОЧИҚЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Шу билан бир қаторда, экспертлар ушбу лойиҳанинг ижтимоий тарафларига алоҳида тўхталишмоқда. Хусусан, қонун лойиҳаси ва унинг амалда қўлланилишига бағишланган очиқ мулоқотлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга оширишга хизмат қилади.

Қолаверса, тадбир давомида ҳуқуқий тажриба ўтказиш самарадорлиги бўйича Самарқанд вилояти салоҳиятига бағишланган тақдимот маросими ҳам бўлиб ўтди.

Мажлисда сўзга чиққан Самарқанд вилояти ҳокими З. Мирзаев таъкидлаганидек, Фармойишга биноан, лойиҳанинг самарали амалга оширилиши бўйича иш олиб борадиган махсус ишчи гуруҳ тузилган. Қолаверса, ҳозирги кунда вилоят ва туман ҳокимликлари, давлат бошқаруви органлари веб-сайтларини янгилаш устида фаол иш олиб борилаётир. Бу жараёнга 20 дан зиёд ёш мутахассислар, жумладан, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда унинг минтақавий филиаллари битирувчилари жалб қилинган.

Қайд этиш лозимки, муассасалар веб-сайтларига жойлаштирилган маълумотлар, қонун лойиҳасининг 6-моддасига мувофиқ, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига оид энг муҳим ахборот манбаи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам вилоят давлат муассасалари интернет сайтларини замонавий талабларга мослаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Мажлисдан сўнг иштирокчилар ушбу йўналишдаги ижобий натижалар билан яқиндан таништирилди.

Бугун Самарқанд вилоятида 668 та нодавлат нотижорат ташкилоти мавжуд. Мазкур ННТлар вакиллари ҳуқуқий тажрибанинг муваффақиятли амалга оширилиши учун ҳудудда ташкил этилган махсус ишчи гуруҳга жалб этилган.

Ишчи комиссия аъзолари биринчи бўлиб Самарқанд вилояти адлия бошқармасига ташриф буюришди. Ишчи комиссия аъзолари сўзларига кўра, мазкур идора ушбу ҳуқуқий тажриба йўналишларини муваффақиятли амалга оширишга хизмат қиладиган зарур салоҳиятга эга.

— Ҳозирги вақтда бир неча нафар юқори малакали мутахассисларимиз бошқармамизнинг www.samarkandadliya.uz веб-сайтини яхшилаш бўйича фаол иш олиб бормоқда, — дейди бошқарма бошлиғи Худоёр Маматов. — Айни пайтда интернет-ресурсда республика ва вилоят даражасида қабул қилинган ҳамда мунтазам янгиланиб борадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базаси мавжуд. Шу билан бирга, сайтимизда фуқароларни виртуал қабул қилиш синовдан ўтказилмоқда. Ушбу тизим орқали фуқаролар нафақат шикоят ёки мурожаат қолдиришлари, балки адлия соҳасига тааллуқли масалада керакли маслаҳат олишлари мумкин бўлади. Айтиш жоизки, бошқарма томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий тажрибани амалга ошириш ишларини ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Бунда, шубҳасиз, бошқарма тузилмалари ва ахборот хизматининг оммавий ахборот воситалари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан мустаҳкам ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этаяпти.

Бунинг самараси яқинда ҳуқуқий тажриба бўйича ўтказилган тадбир жиҳатлари борасида ҳам кенг тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Бунда, шубҳасиз, бошқарма тузилмалари ва ахборот хизматининг оммавий ахборот воситалари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан мустаҳкам ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этаяпти.

Бунинг самараси яқинда ҳуқуқий тажриба бўйича ўтказилган тадбир ишларини ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Бунда, шубҳасиз, бошқарма тузилмалари ва ахборот хизматининг оммавий ахборот воситалари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан мустаҳкам ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этаяпти.

Бунинг самараси яқинда ҳуқуқий тажриба бўйича ўтказилган тадбир ишлари

Яхши хабарлар

Намунавий уй-жойлар учун маҳсулотлар

Хатирчи туманидаги “Глойзер Престиж” МЧЖ жорий йилнинг ўтган даврида ички бозорга 30 миллион сўмлик лок-бўёқ маҳсулотларини чиқарди.

Корхона маҳсулотларининг салмоқли қисми намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар қурилишида ишлатилмоқда.

Яқинда жамият жамоаси олифа ва қурилиш елими тайёрлашни ҳам ўзлаштирди. Бунинг учун 100 миллион сўмлик замонавий технологик ускуналар олиб келиб ўрнатилди ҳамда қўшимча 10 та иш ўрни яратилди.

— Бу линия ихчам ва тежамкорлиги баробарида, юқори сифатли маҳсулот тайёрлашда қўл келмоқда, — дейди корхона раҳбари Ж. Шовқиев. — Хом ашёни Тошкент ва Самарқанд вилоятларидан келтираяпмиз. Шу кунларда маҳсулот турини кўпайтириш борасида изланаяпмиз.

Битирувчининг оилавий корхонаси

Навоий шаҳрида эркаклар пойабзаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Стандарт Навоий” оилавий корхонаси ташкил этилди.

— Ўтган йили касб-ҳунар коллежини тамомлаганимдан сўнг шу лойиҳа устида иш олиб бордим, — дейди корхона раҳбари Н. Шоҳназаров. — Юртимизда тадбиркорлар учун яратилаётган имкониятлар бу борада менга туртки бўлди. Айни чоғда корхонамизда Хитой технологиялари асосида 20 турдаги пойабзал ишлаб чиқарилмоқда. Яқинда тижорат банкининг 25 миллион сўмлик кредити эвазига яна 10 турдаги пойабзал тайёрлашни йўлга қўймоқчимиз.

Азамат ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ИСЛОҲОТ

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари тўла таъминлаб келинаяпти. Бу борада ҳакамлик судларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Дарҳақиқат, 2007 йили “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниши билан фаолият бошлаган ҳакамлик судлари ҳозирги кунда фуқаролар ҳуқуқий муносабатлари ҳамда тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келган хўжалик низоларини ҳал қилиш борасида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳакамлик судлари — ишончли ҳамкор

Ҳакамлик судлари ассоциацияси тизимидаги ушбу турдаги судларга ўтган йил давомида қиймати 100 миллиард 116 миллион сўмликдан ортиқ 10 мингдан зиёд даъво аризалари келиб тушган. Уларнинг барчаси ўртача белгиланган муддат ва тартибда ҳал этилган. Эътиборлиси, шундан 69 миллиард сўмликдан зиёд 7,5 мингга яқин даъво талаблари тўла ёки қисман қаноатлантирилган. Айни чоғда 12 миллиард сўмликдан ортиқ аризалар бўйича юритилган ҳакамлик ишлари тарафлар келишувга эришганликлари муносабати билан тугатилган. Шунингдек, 349 та иш бўйича 5 миллиард сўмликдан кўпроқ даъво талаблари рад этилган. Ушбу рақамларнинг ўзиёқ ҳакамлик судларига бўлган ишонч тобора юксалаётгани ва бу маҳкаманинг фаолияти такомиллашиб бораётганлигидан далолат беради.

Мазкур судларга бўлган ишончнинг ошиши, аввало, уларнинг фуқаро ва тадбиркорлар учун кўплаб қулайлик ҳамда афзалликларга эга эканлиги билан бевосита боғлиқ. Жумладан, фуқаролар ёки хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида вужудга келган низолар бу ерда қисқа муддатда — ўртача 5-10 иш кунида ҳал қилинади ва ишни кўриш учун ваколатли судга сарф этиладиган давлат божи ўрнига кам миқдорда ҳакамлик йиғими тўланади. Муҳими, низоли ҳолат тарафлар розилиги асосида, ёпиқ тарзда кўрилиб, бу борадаги маълумотлар сир сақланади. Яна бир муҳим жиҳати, ҳакамлик судидан юқори турувчи бошқа инстанция йўқ. Бундай афзалликлар фуқаро ҳамда тадбиркорлик субъектлари учун қулайлик яратади.

Шу ўринда ҳакамлик судлари фаолиятини кучайтириш ва уларнинг нуфузини бугунги талаблар даражасида оширишда Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси ҳузурида ташкил этилган академиянинг ҳам катта ўрни борлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Нега деганда, ушбу маскан соҳа учун малакали ва билимли кадрларни тайёрлашда яқиндан кўмаклашиб келаётир. Айни чоғда бу ерда “Консалтинг ва медиация” шўъба корхонаси фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, салоҳиятли ходимлар фуқаро ва хўжалик юритувчи субъектларга сифатли консалтинг хизматларини ҳам кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси томонидан миллий ва халқаро тажрибани уйғунлаштириш борасида олиб борилаётган ишлар, шубҳасиз, ҳакамлик судлари фаолияти самарали бўлишида муҳим омил бўлаётир. Ҳозирги кунга қадар ассоциация томонидан ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш мақсадида 80 дан ортиқ мамлакатларнинг арбитраж ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган. Айни чоғда халқаро тижорат арбитражи соҳасида ҳамкорлик қилиш ҳамда чет элларда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва тадбиркорларининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида 15 дан зиёд мамлакат, жумладан, Бельгия, Франция, Япония, АҚШ, Ҳиндистон каби давлатлар ҳакамлик институтлари билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилган. Бу борадаги муносабатларни янада кучайтириш мақсадида шу кунларда ҳам Европа ва Осиёнинг бир қатор ривожланган мамлакатларидаги ҳакамлик институтлари билан ҳамкорлик юзасидан музокаралар олиб борилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашда юртимиз ва хорижий давлатларда ташкил этилаётган конференция, семинар ва давра суҳбатларининг ўрни жуда катта бўлаяпти. Жумладан, ўтган йили пойтахтимизда уюштирилган “Арбитраж ва медиация ривожланишидаги ҳуқуқий муаммолар ва халқаро амалиёт” мавзуидаги халқаро илмий-амалий анжуман хусусида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган устувор вазифалар ижроси доирасида ўтказилган тадбирда дунёнинг йирик ҳакамлик марказлари ҳамда институтлари вакиллари, халқаро экспертлар ва юқори малакали ҳуқуқшуносслар иштирок этишди. Конференция давомида Бельгия, Ҳиндистон, Украина, Латвия, Руминия каби давлатларнинг экспертлари билан тажриба алмашиш имконига эга бўлдик. Шу билан бирга, анжуманда ҳакамлик судларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигини янги босқичга кўтариш, ҳакамлик судьялигига захирадаги номзодларни қайта тайёрлаш, соҳа қонунчилигини янада такомиллаштириш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилдики, булар бугунги кунда фаолиятимизни янада самарали ташкил этишда қўл келмоқда.

Умуман, юртимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг узвий қисми ўлароқ, ҳакамлик судлари фаолияти ҳам миллий ва халқаро тажрибалар асосида тобора ривожлантирилмоқда. Бу эса фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг суд, хусусан, ҳакамлик судларига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, пировардида жамиятимизда адолат тамойили қарор топиши ҳамда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари тўла таъминланишига хизмат қилаяпти.

Муртазо СУЛТОНОВ,
Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси раисининг ўринбосари.

● Реклама ва эълонлар ●

«Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси
«Ўзнефтгазқазибчиқариш» акциядорлик компанияси
Шўртан газ-кимё мажмуаси

қуйидаги товар-моддий бойликларни сотиб олиш бўйича 04/13-сонли тендер савдосини эълон қилади.

Лот	Маҳсулот номи	Миқдори
Лот № 1	Пиролиз печларининг радиантли қувурлари ВА-1101	
	Қувур-63,5 мм. OD x6.4. MW x 2725 мм. узунликда	68 дона
	Қувур-63,5 мм. OD x6.4. MW x 11590 мм. узунликда	68 дона
	Қувур-114,3 мм. OD x6.4. MW x 13850 мм. узунликда	18 дона
	Қувур-114,3 мм. OD x6.4. MW x 1314 мм. узунликда	18 дона
	Электрод 25/35 ўлчам 2,5 mm	50 кг.
	Электрод 35/45 ўлчам 2,5 mm	50 кг.
	Электрод 068НН ўлчам 2,5 mm	50 кг.
Лот № 2	Пиролиз печларининг Вентури қувурлари ВА-1101 Forged steel	64 дона
	Seamless Steel O.D.42,2 мм. x 3.56 мм. AW Thk X796 Long	32 дона
	Seamless Steel O.D.42,2 мм. x 3.56 мм. AW Thk X636 Long	32 дона
	Forged steel. Cap 1,0 inch sched. 10 S.	32 дона
Лот № 3	Пиролиз печларининг конвекцион қисми қувурлари ВА-1101	
	Чоксиз пўлатли қувур (қовурғали) O.D.141,3 мм. x6,55 AW x 13805 мм. узунликда (2 қисмдан иборат 6670 мм.+7135 мм.)	5 дона
	Чоксиз пўлатли қувур (қовурғали) O.D.141,3 мм. x6,55 AW x 13670 мм. узунликда (2 қисмдан иборат 6535 мм.+7135 мм.)	5 дона
	Чоксиз пўлатли қувур (қовурғали) O.D.141,3 мм. x6,55 AW x 14805 мм. узунликда (2 қисмдан иборат 7670 мм.+7135 мм.)	5 дона
	Қуйма пўлатли чоксиз ретурбент O.D.141,3 мм. x6,55 AW қалинликда (R=1,0 D, 180°)	8 дона
	Қуйма пўлатли чоксиз тирсак (отвод) (90) O.D.141,3 мм. x6,55 AW қалинликда (R=1,5 D, 90°)	4 дона
	Чоксиз пўлатли қувур O.D. 114,3x6,02AW Thk x 13843Lg (икки қисмдан иборат 7339 мм.+6504 мм.)	4 дона
	Чоксиз пўлатли қувур O.D. 114,3x6,02AW Thk x 13670Lg (икки қисмдан иборат 7339 мм.+6331 мм.)	4 дона
	Чоксиз пўлатли қувур O.D. 114,3x6,02AW Thk x 14678Lg (икки қисмдан иборат 7339 мм.)	2 дона
	Чоксиз пўлатли қувур O.D. 114,3x6,02AW Thk x 15278Lg (икки қисмдан иборат 7639 мм.)	2 дона
	Чоксиз пўлатли қувур O.D. 114,3x6,02AW Thk x 385Lg	4 дона
	Қуйма пўлатли чоксиз ретурбент O.D. 114,3x6,02AW Thk (R=1,5 D, 180°)	8 дона
	Қуйма пўлатли чоксиз тирсак (отвод) (90) O.D. 114,3x6,02AW Thk (R=1,5 D, 90°)	4 дона

Тендер таклифлари эълон матбуотда чоп этилгандан сўнг 30 кун мобайнида қабул қилинади.

Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:
Шўртан газ-кимё мажмуаси, 180300, Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани, Шўртан қўрғони.
Тел./факс: (+99875) 780-87-74. Факс: (+99875) 221-09-04, 221-08-46.
Электрон почта: tender@sgcc.uz

586A/45

«Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси
«Ўзнефтгазқазибчиқариш» акциядорлик компанияси
Шўртан газ-кимё мажмуаси

қуйидаги кимёвий реагентларни сотиб олиш бўйича 05/13-сонли тендер савдосини эълон қилади.

Лот	Маҳсулот номи	Миқдори
Лот № 1	Бойитилган кўмир	103,719 м³
Лот № 2	Бойитилган кўмир (8x30)	62 м³
Лот № 3	NalcoSTABREX® ST-40.15R	46280 кг.
	3 D TRASAR ®3DT261.15R	83720 кг.
	AQUAMAX(TM)EC1376A.15R	28275 кг.
	PermaClean®PC-33.15R	780 кг.
	PermaClean®PC-11.15R	454 кг.
	NALCO ELIMIN-OX®.15R	7800 кг.
	NALCO®72310.15W	21960 кг.
	NALCO 77211.15R	5100 кг.
	PERMATREAT®PC-191.15R	2250 кг.
	NALCO®7330.15R	6630 кг.
	NALCO®71D5PLUS.15R	480 кг.
	NALCO®EC1495A.61Q	6895 кг.
	TRASAR®TRAC102.15R	2520 кг.
	PermaClean®PC-77.15R	1000 кг.
	NALCO®3434.15R	2340 кг.
	NALCO®2510.15R	1816 кг.
	NALCO®73550.15R	3150 кг.
	Nalco® 7208.15R	8360 кг.

Тендер таклифлари эълон матбуотда чоп этилгандан сўнг 30 кун мобайнида қабул қилинади.

Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:
Шўртан газ-кимё мажмуаси, 180300,
Ўзбекистон Республикаси,
Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани, Шўртан қўрғони.
Тел./факс: (+99875) 780-87-74.
Факс: (+99875) 221-09-04, 221-08-46.
Электрон почта: tender@sgcc.uz
Web-site: www.sgcc.uz www.tenderweek.com

586A/45

«KO‘P TARMOQLI KO‘CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ
бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти томонидан 2012 йил 23 июлдаги 1-185Ж/12-сонли, 1-185З/12-сонли ва 1-185И/12-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 18-даҳа, 41-«А» уйда жойлашган, бир қаватли, умумий ер майдони 535 кв.м. бўлган («А» ва «Г» блоклари мавжуд, «Б» ва «В» блоклари ҳужжатсиз қурилган бўлиб, ҳозирги кунда бузиб ташланган) ошхона биноси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 69 900 000 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 17 май куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «KO‘P TARMOQLI KO‘CHMAS MULK SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар иш кунлари соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади. Ариза ва тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: (8-371) 249-54-59, 249-53-61.

583R/505

Лицензия: № 0039.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ
очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2013 йил 7 май куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

I. Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар:

1. Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Содиқ Азимов 1-тор кўчаси, 4-уй, 1-хонадонда жойлашган, умумий ер майдони 432 кв.м., умумий бино майдони 467 кв.м. бўлган, пишиқ ғиштдан қурилган офис ва савдо дўкони.

Бошланғич баҳоси — 483 190 000 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Риёзий кўчаси, 17-уй, 18-хонадонда жойлашган, умумий майдони 60,46 кв.м. бўлган уй-жой.

Бошланғич баҳоси — 81 971 000 сўм.

3. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Юнус Ражабий кўчаси, 72-уй, 22-хонадонда жойлашган, умумий майдони 143,33 кв.м. бўлган уй-жой.

Бошланғич баҳоси — 248 075 000 сўм.

II. Сергели тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти судининг 2012 йил 4 октябрдаги 2-177ж/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, 8-«А» даҳаси, 6-уй, 66-хонадонда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 119,59 кв.м., яшаш майдони 71,71 кв.м. бўлган тўрт хонали уй-жой арзонлаштирилган ҳолда такроран савдога қўйилган.

Бошланғич баҳоси — 105 354 930 сўм 96 тийин.

III. Миробод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 17 ноябрдаги 1-540/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар:

1. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Чехов кўчаси, 40-уй, 71-хонадонда жойлашган, 4 та яшаш хонали, умумий майдони 116,75 кв.м., яшаш майдони 79,94 кв.м. бўлган таъмирталаб уй-жой.

Бошланғич баҳоси — 259 301 000 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Чехов кўчаси, 40-уйнинг ертўласида жойлашган, умумий майдони 20 кв.м. бўлган 24-сонли автомобилларни қўйиш жойи.

Бошланғич баҳоси — 42 470 000 сўм.

IV. Сергели тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Жиноят ишлари бўйича Яккасарой тумани судининг 2012 йил 24 сентябрдаги 1-381/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Файзли кўчаси, 3-уйда жойлашган, умумий ер майдони 36 794 кв.м., қурилиш ости майдони 7 141 кв.м., А, Б, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 36, 39, 41, 42-блоклардан иборат 2 қаватли маъмурий бино ҳамда ертўлали бино-иншоотлар арзонлаштирилган ҳолда такроран савдога қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 2 638 356 821,10 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир кун қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй.
Телефон: (8-371) 250-19-24.

Лицензия: № RR-0017.

5848/105

ЗАВОД TTEMZ ИЗГОТАВЛИВАЕТ И РЕАЛИЗУЕТ:

Под заказ

АВТОКРАНЫ

для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на рассредоточенных объектах

КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗа
- максимальная грузоподъемность – 14 т
- максимальная высота подъема – 14,5 м

КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗа
- максимальная грузоподъемность – 16 т
- максимальная высота подъема – 25 м (с гуськом)

КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗа
- максимальная грузоподъемность – 25 т
- максимальная высота подъема – 30 м (с гуськом)

ВОЗМОЖЕН МОНТАЖ НА ШАССИ ЗАКАЗЧИКА

КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А

предназначен для строительно-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий

- максимальная грузоподъемность – 8 т
- максимальная длина стрелы – 30 м (с кареткой)
- максимальная высота подъема горизонтально — 41,5 м, наклонно — 57,5 м

Товар сертифицирован

Товар сертифицирован

КРАНОМАНИПУЛЯТОРЫ И АВТОВЫШКИ

на шасси: ISUZU, КАМАЗа, МАЗа и др.

МОДЕЛЬ	высота подъема люльки	ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬ
KRANTAS - 335	15 м	3,2 т
KRANTAS - 736	21,5 м	6 т

АВТОЦИСТЕРНЫ И АВТОТОПЛИВО-ЗАПРАВЩИКИ

Объемом 8м³ и 12м³ на шасси MAN, КАМАЗа, МАЗа.

Под заказ

Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05, (+99890) 942-79-27. Факс: 262-23-61, 269-39-66.
E-mail: toemz1@sarkor.uz www.ttemz-kran.uz

40R/573

БАҲСЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ БОСҚИЧГА КИРДИ

Пойтахтимиздаги “Ўзбекистон” спорт мажмуасида оғир атлетика бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида ўтказилаётган IV жаҳон чемпионати ҳал қилувчи паллага кирди.

Мусобақанинг вазни 53 килограммгача бўлган қизлар иштирокидаги беллашувларда хитойлик Бинглиан Лин учта олтин медални қўлга киритди. Корея Халқ Демократик Республикасидан келган Ун Сим Рим учта кумуш, мексикалик Жанет Гомес иккита, венесуэлалик Ёрлис Забала битта бронза медаль билан тақдирланди. Ушбу вазн тоифасида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Гулноза Аҳмедова умумий ҳисобда 101 килограмм натижани қайд этди.

Вазни 69 килограммгача бўлган ўсмирлар ўртасида кечган мусобақа ҳам муросасиз кечди. Мухлисларга ҳаяжонли дақиқаларни туҳфа этган беллашувлар якунида қозоғистонлик Альберт Лайндер иккита олтин ва бир кумуш, мисрлик Аҳмад Одил Муҳаммад биттадан олтин ва кумуш, хитойлик Юфу Сан биттадан кумуш ва бронза, мисрлик Карим Иброҳим ва болгариялик Бодзидар Андреев биттадан бронза медаль билан тақдирланди. Ўз имкониятини синовдан ўтказган терма жамоамиз аъзоси Абдуқодир Абдухалилов умумий ҳисобда 245 килограмм натижа қайд этди.

58 килограммгача бўлган қизлар чиқишлари ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Унда хитойлик Ченгю Вей, таиландлик Камончанок Интамат, мексикалик Ана Дуран ва мисрлик Эсра Ал-Сайид совриндорлар сафидан жой олди. Бу вазн тоифасида ҳамюртимиз Замира Аминжонова беллашувларда қатнашди.

Кеча, шунингдек, қизлар ўртасида 63 килограммгача, ўсмирлар ўртасида 77 килограммгача бўлган вазн тоифасидаги атлетлар баҳслашди. Унда ҳамюртларимиздан Нуржаҳон Ҳошимова ва Суннатилла Шокиржонов ўз маҳоратини намойиш этди.

Фазлиддин АБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Анико Немет МОРА, Халқаро оғир атлетика федерацияси директори:

— Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганидан яхши хабардорман. Мени, айниқса, мамлакатингизда жорий этилган уч босқичли тизим — “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада спорт ўйинлари жуда қизиқтирди. Бирор бир давлат тажрибасида учрамайдиган бундай ноёб тизимнинг амалдаги самараларини бугун ўзбекистонлик спортчиларнинг халқаро мусобақаларда эришаётган юксак натижалари ҳам яққол кўрсатиб турибди. Ишончим комилки, мана шундай улкан имкониятлар оғушида вояга етаётган ёшлар келажакда қайси спорт туридан қатъи назар, у қитъа, жаҳон чемпионати ёхуд Олимпиада ўйинлари бўладими, кучлилар сафида бўлишади.

Ўсмирлар ва қизлар ўртасидаги оғир атлетика бўйича жаҳон чемпионатининг пойтахтингизда ўтказилиши жуда тўғри қарор, деб ҳисоблайман. Сабаби, юртингизда, ушбу спорт тури жадаллик билан ривожланиб бораяпти. Қолаверса, мусобақаларни ташкиллаштиришда мамлакатингиз катта тажриба тўплаган. Бунга биз бир ҳафта давом этган беллашувларни кўриб, амин бўлдик.

Ўзбек халқининг бағрикенглиги, меҳмондўстлиги дунё аҳлининг уларга бўлган меҳрини бундан кейин ҳам ошириб бораверади.

Сўз — жаҳон чемпионати иштирокчиларига

Оскар РОДРИГЕС, оғир атлетикачи (Мексика):

— Ушбу жаҳон чемпионати барчамизга ёрқин таассуротларни туҳфа этди. Тўғри, совриндорлар сафидан жой ололмадим. Аммо тажриба оширдим, моҳир спортчилар билан танишдим, янги дўстлар орттирдим. Аслида, бу ҳам катта ютуқ.

Имкониятдан фойдаланиб, мураббийимиз билан Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини, жумладан, Мустақиллик майдони, Амир Темур хиёбони, Темурийлар тарихи давлат музейини бориб кўрдик. Кўчаларнинг озодалигини, дарахтларнинг кўплигини айтмайсизми?! Яёв сайр қилган киши, албатта, мириқиб ҳордиқ чиқаради, руҳий жиҳатдан тетиклашади. Хуллас, гувоҳи бўлганларимни соатлаб гапириб беришим мумкин. Энг муҳими, бу юртнинг самимий халқидан миннатдормиз. Мусобақани юксак савияда уюштирган ташкилотчиларга ҳам алоҳида раҳмат. Ўзбекистонга, албатта, сайёҳ сифатида яна бир бор келиш ниятидаман.

Ёнг Гван КВОН, оғир атлетикачи (КХДР):

— Жаҳон чемпионатини ўтказишга юртингизда жуда катта ҳозирлик кўрилибди. Спортчиларнинг беллашувлар олдидан машқ қилиши, дам олиши, маданий ҳордиқ чиқариши учун барча шарт-шароит яратиб берилди. Оғир атлетикачилар учун бу жудаям муҳим. Чунки штангани кўтаришда нафақат жисмоний, балки руҳий тайёргарлик ҳам катта ўрин тутади. Айниқса, муҳташам “Ўзбекистон” спорт мажмуасига ташриф буюрган мухлисларнинг олқишлари барчамизга куч-қувват бағишлади.

Кайфиятим аъло даражада. Чунки 62 килограммгача бўлган полвонлар баҳсида учта олтин медални қўлга киритдим. Бу ютуғим гўзал, бетакрор ва мафтункор Ўзбекистонни бундан буён доимо эслатиб туради.

Мирко ЗАННИ, оғир атлетикачи (Италия):

— Мураббийимиз жаҳон чемпионатига келишимиздан олдин Ўзбекистон, унинг табиати, одамлари, таомлари, бу ерда спортга бўлган эътибор ҳақида гапириб берган эди. Барибир кўриш бошқача-да. Мамлакатингиз, ҳақиқатан ҳам, одамни ўзига мафтун этадиган даражада гўзал экан.

Ўзбекистон ёшларининг соғлом турмуш тарзига бўлган муносабати юксак эканига нафақат халқаро мусобақа жараёнида, балки кўча-кўйда ҳам гувоҳ бўлдим. Масалан, Тошкент шаҳри ҳудудидаги хиёбонларда, дам олиш масканларида велосипед ҳайдаб юрган бир қанча йигит-қизларга кўзим тушди, сунъий майдонли стадионлар эса доимо футбол ишқибозлари билан банд экан. Теннис кортлари, сузиш ҳавзаларида ҳам шундай манзара. Эрта тонгда югураётганларни айтмайсизми?! Янги танишган дўстларим спорт мажмуаларининг ҳар бирида шундай муҳит ҳукмрон эканини айтишди. Сизларга жудаям ҳавасим келди.

«Халқ сўзи» мухбири Шавкат ОРТИҚОВ ёзиб олди.

АНЖУМАН

Инсон камолотида куй-қўшиқнинг ўрни беқиёс. Зеро, бугунги кунда ўғил-қизларимизнинг санъаткорлар ижодидан баҳраманд бўлиб, улардан ўрнак олиб униб-ўсаётгани ҳеч биримизга сир эмас. Шундай экан, омма эътиборига ҳавола этилаётган санъат намуналари мазмун-моҳияти, ижодий савиясига жиддий эътибор қаратиш барчамизнинг зиммамиздаги муҳим вазифалардан биридир.

Санъат сеҳри



Пойтахтимиздаги Ўзбекистон Миллий матбуот марказида “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси томонидан ташкил этилган “Ёш авлоднинг маънавий олами ва уни юксалтиришда миллий эстрада санъатининг ўрни” мавзуидаги матбуот анжуманида шу хусусда сўз борди.

Айтиш керакки, “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси томонидан миллий эстрада санъатини янада ривожлантириш, хонандаларнинг профессионал малакасини ошириш, ёшларни ёт ғоялар, айниқса, “оммавий маданият” таъсиридан ҳимоя қилиш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. “Ягонасан, муқаддас Ватан!” республика кўрик-танлови, “Марди майдон!” жонли ижродаги қўшиқлар фестивали бу йўналишда самарали ижод қилаётган истеъдодли ёшларни аниқлаш ва рағбатлантиришга хизмат қилаяпти. Бинобарин, бирлашма “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати билан мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиб, ўтган йили мамлакатимиз бўйлаб ўтказилган “Биз буюк юрт фарзандларимиз!”, “Ватан тараққиётига менинг ҳиссам”, “Камалак” билимдонлари”, “Камолот”да меҳмон” каби 30 дан зиёд фестиваль ва тадбирларда 234 нафар хонанданинг фаол иштирокини таъминлашга ҳисса қўшди. Бундан ташқари, миллий эстрада санъатини тарғиб қилиш мақсадида олис ва чекка ҳудудларда 57 та ижодий учрашув ўтказилди. Ўтган йил давомида 37 нафар ёш ижодкорга имтиёзли лицензиялар берилди. Бир гуруҳ ёшлар бирлашма томонидан таъсис этилган стипендия соҳибига айланишди.

Тадбирда ҳал қилиниши лозим бўлган кўплаб масъулиятли вазифалар борлиги, жумладан, яхши қўшиқлар яралиши учун шоир, бастакор ва хонандалар ўртасидаги ижодий ҳамкорликни кучайтириш, миллий анъаналаримизга, ахлоқ-одоб қоидаларига мос клиплар, савияли ижроларни кўпайтириш лозимлиги қайд этилди. Бунинг учун эса Юртбошимизнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарида алоҳида таъкидланганидек, маданий жамоатчилигимиз, авваламбор, мусиқашунос олимлар, устоз санъаткорлар, композиторлар, ёзувчи ва журналистлар, кўп сонли санъат ихлосмандлари бундай масалалар юзасидан ўз фикрини очиқ билдириб бориши, шу тариқа ёшларимизга тўғри тарбия беришимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

Фаррух БЎТАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Маданият хабарлари

Ҳар бир фаслнинг ўз таровати, бетакрор кўрки бор. Бу одамлар кайфиятидаги ўзгаришларда ҳам кўзга яққол ташланади.

Фасллар таровати

Нукусдаги И. В. Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Республикаси Давлат санъат музейида бошланган “Йил фасллари” номли кўргазмада ҳам айнан табиат ва инсон ўртасидаги уйғунликнинг ўзига хос сир-синоатларини ифода этувчи суратлар намойиш этилмоқда. Кўргазмадан жой олган суратлар музей фондида сақланаётган 90 мингдан ортиқ асарлар орасидан саралаб олинган.

Томошабинлар пейзаж, натюрморт, графика жанрларида ифода этилган баҳор, ёз, куз ва қиш фаслларининг ўзгача таровати ҳамда табиатнинг бетакрор гўзалликларидан баҳраманд бўлмоқдалар.

Ирода НАБИЕВА.

Самарқанд шаҳридаги “Чорсу” санъат галереясида “Биз буюк юрт фарзандларимиз!” деб номланган кўчма кўргазма мухлислар эътиборини тортди.

Ёшлик илҳомлари

Ундан рассомчилик ва дизайн коллежлари ўқувчиларининг ранг-тасвир, графика, саҳна безаги, кулоллик, нақш ўймакорлиги, гобелен жанрларида яратган асарлари ўрин олган.

Томошабинларга ижодкорлик туйғуларини улашаётган мазкур кўргазма Жиззах шаҳрида ҳам ўтказилади.

Саодат УСМОНОВА.

Оила фаровонлигига муносиб ҳисса

Пойтахтимизда олтинчи маротаба ўтказилган “BankExpo — 2013” — банк тизими технологиялари, ускуна ва хизматлари миллий кўргазмасида республикамиздаги барча молия муассасалари қаторида Давлат-тижорат Халқ банки ҳам фаол қатнашиб, ўзининг янги хизмат турларини кенг намойиш қилди.

ЭЪТИРОФ

“Обод турмуш йили” Давлат дастурига мувофиқ, мазкур банк томонидан таклиф этилаётган хизматлар, жумладан, янги омонат турлари ва кредит маҳсулотлари, айниқса, иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Шу боис тадбир давомида тадбиркорлар, оилавий тадбиркорлик субъектлари, ўз бизнес фаолиятини ташкил этиш истагида бўлган касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ҳамда хотин-қизлар учун жорий этилган банк хизматлари бўйича атрофлича маълумотлар берилди.

— Халқ банкининг жисмоний шахсларга масофадан туриб хизмат кўрсатувчи янги тизимидан фойдаланиш имконига эга бўлганимдан хурсандман, — дейди кўргазма иштирокчиларидан бири Зафар Бобоназаров. — Банк ходимлари шу ернинг ўзида ҳисоб рақамимни очиб берди. Энди уни мобиль телефоним орқали бошқариб, коммунал ва бошқа тўловларни ўтирган жойимда амалга оширишим мумкин. Банк тизимига татбиқ этилаётган бу каби янгиликлар биз, мижозларга янада қулайлик яратиб, қимматли вақтимизни тежашда қўл келаяпти.

Кўргазмада Халқ банки томонидан замонавий ахборот технологиялари ва хизматлари, хусусан, интернет-банкинг, мобиль-банкинг, замонавий пул ўтказмалари, пластик карталар билан ишлаш ҳамда уларнинг афзалликлари ҳам тақдим этилди. Уларга кўргазмага ташриф буюрган хорижлик ҳамкорлар юқори баҳо беришганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

— Кўргазма давомида банклар томонидан таклиф этилаётган янги хизмат турлари билан яқиндан танишиб, улар жаҳон стандартларига тўла жавоб беришига яна бир карра ишонч ҳосил қилдим, — дейди Халқаро ҳамкорлик бўйича жамғарма кассалари фондининг бош маслаҳатчиси Ульрих Кинитц. — Хабарим бор, Ўзбекистон молия муассасалари орасида Халқ банки кейинги йилларда етакчи халқаро рейтинг агентликларининг юқори рейтинг баҳосини қўлга киритмоқда. Чунки ушбу банк томонидан халқаро меъёрлар даражасида тезкор ва сифатли хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган.

Икки кун давом этган кўргазма якунида 20 дан ортиқ йўналиш бўйича юқори кўрсаткичларни қўлга киритган молия муассасаларига ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Халқ банки эса “Оила фаровонлигига ҳисса қўшаётган энг яхши банк”, “Энг кўп ташриф буюриладиган стенд”, “Энг яхши реклама компанияси” йўналишлари бўйича ғолиб бўлди. Бу, албатта, мазкур банк ўз хизматлари билан аҳолининг барча қатламларини қамраб олиб, мижозлар ишончига сазовор бўлаётганлигининг ёрқин ифодасидир.

Халқ банки матбуот хизмати.

Ижтимоий реклама

2013 йилда қишлоқларда имтиёзли кредит асосида қуриладиган замонавий уй-жойлар учун буюртмалар қабул қилиш бошланди!

2013 йилда ЯНГИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи ҳар бир фуқаро учун янги уй сотиб олиш имконияти.
- Қулай жойлашув: дўкон, мактабларга яқин жойда.
- Замонавий дизайндаги уйлар.
- Ҳар бир уй-жой 6 сотих ер майдонига эга.
- Ичимлик суви, электр энергияси, табиий газ билан таъминланган ҳамда текис ва равон йўлларга эга.
- Янги уйда оилангиз билан бирга фаровон ҳаёт кечиринг.

Оилангиз учун ёрқин КЕЛАЖАК ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Имтиёзли ипотека кредити орқали тежаб қолинган маблағингиз оилавий режалар ва орзуларни амалга ошириш учун сарфланади.
- Янги уйлар янада яхшироқ турмуш тарзи ҳамда оилавий тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратади.
- Янги уйлар сиз учун узоқ муддатли сармоя ва фарзандлар учун мерос.

Келажак учун ЖАМҒАРМА ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Омонатингизни кўпайтириш имконияти.
- Имтиёзли фоиз ставкасида 15 йил муддатга ипотека кредити.
- Солиқлардан озод қилинган ипотека тўловлари.
- Маош миқдори йиллар давомида кўпайса ҳам, ипотека тўловлари 15 йил давомида ўзгармайди.
- Солиқдан озод қилинган қурилиш жараёни — тежамкорлик ва арзон нархлар гарови.

Замонавий қурилиш моллари ва ЮҚОРИ СИФАТЛИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Танловдан ўтган пудратчи қурувчилар ва қурилиш сифатининг юқорилиги.
- Бир йиллик сифат кафолати.
- Улгуржи нархларда юқори сифатли замонавий қурилиш моллари.

Марҳамат, мурожаат қилинг!

- Туман ёки вилоят ҳокимликларига.
- Қишлоқ ёки маҳалла фуқаролар йиғинларига.
- «Камолот» ЁИҲ бўлинмаларига.
- Хотин-қизлар қўмиталарига.
- «Қишлоқ қурилиш банк» филиалларига, минибанкларига.
- «Қишлоқ қурилиш инвест» филиалларига.

100060, Тошкент ш., Шаҳрисабз к., 36-уй.
Тел.: (+998 71) 150-93-39.
Факс: (+998 71) 150-39-93.
www.qqb.uz
e-mail: headoffice@qqb.uz

54R/

Янги хиёбон

Андижон шаҳрида “Камолот” ёшлар боғи” барпо этилди. Ушбу мафтункор гўшанинг очилишига бағишланган тантанали маросимда “Камолот” ЁИҲ фаоллари ҳамда жамоатчилик вакиллари қатнашди.

ОБОДЛИК

Мазкур 4,5 гектарлик боғда ҳаракат аъзолари ғайрат-шижоати билан қисқа муддатда катта ҳажмдаги бунёдкорлик, ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди, манзарали дарахт ва гул кўчатлари ўтқазилди. Шунингдек, 22 та замонавий аттракцион ўрнатилди, улкан фаввора ишга туширилди. Бу ерда бир пайтнинг ўзида 2 мингдан ортиқ аҳоли маданий ҳордиқ чиқариши мумкин.

Тадбир доирасида вилоятдаги болалар мусиқа ва санъат мактаблари тарбияланувчилари томонидан тайёрланган расмлар кўргазмаси ҳамда таниқли санъаткорлар иштирокидаги концерт дастури бўлиб ўтди.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тошкент молия институти жамоаси Банк иши кафедраси катта ўқитувчиси Хуршида Худоёровага волидаи муҳтарамаси **Хожал ая ҒАНИЕВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 454. 115 687 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.35 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5